

## МАҚОЛАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Мақола матни А4 форматдаги варақда ёзилган бўлиб, унда кўйидаги қоидаларга риоя этилган бўлиши лозим: қаторлар оралиғи — 1,5 интервал; юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши: чап томондан 3 см, ўнг томондан 2 см; хатбошилар орасидаги оралиқ — 5 ёки 6 белгилари. Мақола матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman, 14 ўлчамли шрифтида ёзиш талаб этилади.
2. Расмлар, жадваллар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати тегишли равишда матн орасида келтирилиши лозим. Матндаги жадвал, расм ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати тегишли равишда белгиланган, жадвалларга қисқартирилмаган ҳолда сарлавҳа билан ёзилиши лозим.
3. Расм ёки фотосуратлар Word график муҳарририда чизилган ёки сканерланган бўлиши, расм ёки фотосуратларнинг пастки қисмида сарлавҳаси ва сон билан белгиланган бўлиши лозим.
4. Матндаги формулалар аниқ ҳолда кўрсатилган, номерлаган бўлиши лозим
5. Матнда келтирилган барча ўлчам ва катталиклар тегишли равишда халқаро ўлчов бирликлар тизимига мос келиши шарт.
6. Мақоланинг биринчи бетида юқори чап тарафида УЎТ (УДК) келтирилади, сўнгра бош ҳарфлар билан ярим қора шрифтида ўртада муаллиф (лар) нинг исм-шарифи, фамилияси ёзилиб, кейинги қаторда мақола мавзуси ёзилади, мавзу охирида нуқта қўйилмайди. Сўнгра 2 интервалдан кейин 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) 7 қатордан кам бўлмаган аннотация ва камида 5 та терминли калит сўзлар курсив шаклида ёзиши талаб этилади. Кейин 2 интервалдан сўнг оддий шрифтида мақола матни келтирилади.
7. Мақола охирида муаллиф(лар) томонидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади. Матнда адабиётларга ҳавола квадрат қавсларга, масалан [1], олинган ҳолда берилади сўнгра адабиёт муаллифининг

фамилияси ва инициаллари келтирилади. Охирида эса барчаси ажратиладиган нуқталар бўйича журнал (монография, дарслик, конференция тўплами, диссертация автореферати, патентлар) мавзуси сўнгра (шаҳар, мамлакат, сана, бетлар рақами) келтирилади.

8. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати тугаганидан кейин бетнинг пастки чап тарафида муаллиф (лар) томонидан тақдим қилинган ташкилот ёки институтнинг тўлиқ номи, пастки ўнг тарафида эса мақола тақдим қилинган сана ёзилади.

9. Мақоланинг асл нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланган ва талаб даражасида (тегишли фан соҳаси бўйича фан доктори ёки фан номзоди томонидан берилган рецензия, Ўзбекистон Республикаси ва МДХ да мавжуд ва талаб даражадаги экспертиза акти) тақдим қилиниши лозим. Журнал таҳририятига мақоланинг асл нусхаси ва электрон шаклда тақдим қилинади

10. Талаблар асосида расмийлаштирилмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва муаллиф(лар)га қайтарилмайди.

11. Муаллиф(лар)га алоҳида мақола бўйича нусхалар берилмайди. Муаллиф(лар) таҳририятга мурожаат қилиб, навбатдаги журнал сони чиққунга қадар бир ой олдин зарур бўлган журнал миқдорини буюртма қилишлари мумкин.